

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИО ФАОЛИЯТИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Махрамқұлов Шохруҳ Шерзод ўғли

Аннотация: Ушбу мавзудаги мақола ички ишлар органларида психологик хизматни ташкил этишдаги назарий ва методологик услублар түғрисида назарий ва амалий билимлар ёритиб берилган бўлиб, ҳодимлар орасида учрайдиган зиддиятли ҳолатлар ва уларнинг тушунчаси, турлари ҳамда уларда хизмат давомида учрайдиган салбий ҳолатлар намоён бўлишининг сабаб ва шароитлари психологик нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Шунингдек, ички ишлар органлари ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳодимлар билан бирга психодиагностик ишларни олиб боришида психологик, ижтимоий ва биологик омиллар ҳамда уларни юзага келтирувчи мотивлар билан боғлиқ масалалар баён этилган.

Калит сўзлар: психология, инсон психологияси, касбий лаёқат, хиссиеёт, ўз-ўзини билиш, шахс фаоллиги, руҳий оғирлик.

Кириш.

Психологик хизмат методологиясини яратишида инсоннинг ҳиссий ҳолатини тушуниш ва унинг ўз меҳнати маҳсулларидан ижтимоий кониқиши жараёнини таҳлил қилиш ва ривожлантиришга бағишлиланган айрим тадқиқотларнинг ўрни ва истиқболига ҳам алоҳида эътиборни қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Масалан, Ф.Херцберг ва унинг издошлари томонидан меҳнат фаолиятини ташкил этишдаги эмоциоген фарқланиш механизmlари тадқиқ қилинди. Мазкур изланиш маҳсулига кўра меҳнат фаолиятини ташкил этишда ижодийлик, мустақиллик, ўз-ўзини билиш, ривожлантиришга қаратилган тадбирларга эътибор берилса шахс фаолияти унумдорлигига ижобий таъсир этувчи ҳиссий кечинмаларни ва аксинча, факт техник жараёндангина иборат бўлган меҳнат шароити яратилса шахс фаоллигига салбий таъсир этувчи ҳиссий кечинмаларнинг намоён этилиши кузатилади. Дарҳақиқат, фаолиятнинг бажарилишига нисбатан ижобий-ҳиссий кечинмалар шакллантирилмас экан, фаолият маҳсули ҳам инсоннинг ўз фаолиятидан ижтимоий маънодаги қониқиши ҳам нихоятда паст савияда бўлади. Психологик хизмат эса, бизнингча, худди ана шу ерда ўз таъсирини, яъни фаолиятдан ижтимоий қониқиши жараёнини маълум даражада юқори савияга кўтара олиш санъатини кўрсатиши лозим.

Асосий қисм

Ички ишлар органлари ходимларига янада эътибор қаратишни талаб этади. Чунки, ўқув ва хизмат давомида ҳар қандай “жисмоний ва руҳий оғирлик” ходим шахсига тушади. Бу эса ходимларда хизматдан қониқмаслик, ўз маъсулиятини ҳис этмаслик каби бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқарадики, психологнинг амалий ёрдамисиз уларни бартараф этиш жуда қийин кечади. Шунинг учун ривожланган мамлакатлар ИИО тизимида психологик хизмат жорий этилган. Психологик хизматнинг бир қатор устунлик жиҳатлари мавжудки, у бевосита давлат ИИО тизимини таъминлашга қаратилгандир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда хукуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги 472-сонли қарорида ўсмирларда хукуқбузарлик ва жиноат мотивлари шаклланишининг психодиагностикаси ва психокоррекциясининг самарали методикаларини аниқлаш, ташкилий чора-тадбирлар мазмуни, ҳамда баркамол ёшларни тарбиялашга йўналтирилган ва жиноят мотивларининг олдини олишга қаратилган илмий-психологик тавсиялар ишлаб чиқишига оид илмий тадқиқотларни самарали амалга оширишни талаб этади.

Ички ишлар органлари ходимлари касбий психологик жараёни, умуман олганда МДХ ходимнинг иш фаолияти давомида стресс муаммоси, қолаверса. улардаги агрессия ҳамда оғишиш ҳолатларитурли назарий концептуал ёндашувлар асосида хориж ва ўзбек олимлари томонидан кенг миқёсда тадқиқ этилган. мамлакатлари олимларидан И. Сеченов , И. Павлов, А. Ухтомский, А. Прихожан, А. Захаров ва бошқалар шахсда агрессия ва оғишиш ҳолатларининг намоён бўлиши, унинг келиб чиқиши механизимларини ўрганиш борасида тақиқотлар ўтказиб бу икки ҳолатнинг ўхшаш ва фарқли томонларини асослаб берганлар. Ўзбекистонлик психологлардан шахснинг ҳиссий – эмоционал ва касбий фаолият соҳасини тадқиқ этишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари Р.И. Суннатова, М. Расурова, Г. Хрулнова, Ш.Т. Алинбайева, Н.Ф.Камилова, Г.К.Тўлаганова, М.Г.Давлетшин бошқалар томонидан олиб борилган. Мазкур мавзуда яратилган илмий ишларнинг таҳлили мавзунинг нисбатан янги ва яхши ўрганилмаганлигидан далолат беради ҳамда Ўзбекистонда мазкур соҳадаги тадқиқотлар бошланғич босқичда эканлигини тасдиқламоқда. Хорижлик тадқиқотчилар томонидан ИИО тизимида фаолият юритувчи психологик хизмат ҳақида кўпгина илмий ишлар ёзилган ва илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Хулоса

Бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, жамиятимизнинг барча соҳаларини замон талабларидан келиб чиқиб янгилашга йўналтирилган.

- биринчидан, кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, уларни касбий лойиклик даражасини инобатга олиб кадрларни ўз ўринларига қўйиш;

- иккинчидан, тизим доирасида ижтимоий-психологик ва маънавий – аҳлоқий муҳитни яхшилаш, фаолият самарасини ошириш ва хизмат интизомини кучайтириш;

- учинчидан, Ўзбекистон Республикаси ИИОни амалдаги таълим тизими заминида шахсий таркибининг жисмоний ва маънавий, психологик етукликка эришишининг янги усули ва услублари, таълим тизимининг янги дастурини яратиш;

- тўртинчидан, шахснинг психологик саломатлигини нормал сақлаш ва турли хил салбий эмоционал ҳолатлар, суицидал хатти-ҳаракатлар, низомга зид бўлган муносабатларни ва агрессив хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш. Юқоридаги фикрлар ватан ҳимоячиларини тайёрлашда, хизматни олиб бориш давомида, психологиянинг аҳамияти ва ролининг муҳимлигини таъкидлайди. Хориж тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ИИО тизимида психологик хизматни ташкил этиш масаласини қўриб чиқиши мавжудлигини ва бу борада илмий тадқиқотларни ривожлантиришни долзарб, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев тақидлаганларидек, “Халқ давлат идораларига эмас балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган сўзлари ва гоялари фаолиятимиз мезонига айланмоғи керак. Мазкур вазифани астойдил бажариш, шунингдек Ватанимизнинг тараққиётини таминлаш, уни кўз қорачиғидек асраршга барчамиз бирдек маслумиз.